


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 17 август, № 159 (6594) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## Ўзбекистон спортчиси Олимпиада рекордини янгилади




**XXXI ёзги Олимпия ўйинларида вакилларимиз Ҳасанбой Дўстматов, Диёрбек Ўрозбоев, Ришод Собиров, Рустам Тўлаганов ва Элмурод Тасмуродов эришган ажойиб ғалабаларни халқимиз катта хурсандчилик сифатида нишонлаётган айни кунларда Рио-де-Жанейродан яна бир хушхабар олдик. Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида тажрибали спортчимиз Руслан Нурудинов олтин медални қўлга киритиш билан бирга, Олимпия ўйинлари рекордини ҳам янгилаб, ўзбек оғир атлетика мактабининг бугунги салоҳияти нақадар юксак эканини дунё аҳлига яққол намоён қилди.**

Агар бирон спортчидан, у хоҳ АҚШ, хоҳ Хитой, Науру ёки Монако, қўйингки, қайси давлат вакили бўлмасин, “Энг катта орзуинг нима?” деб сўрасангиз, шубҳасиз, “Олимпиада баҳсларида иштирок этиш”, деган жавобни оласиз. Чиндан ҳам, ҳаётини шу соҳа билан боғлаган ҳар қандай атлет учун бундай йирик спорт анжуманида қатнашишнинг ўзи улкан муваффақият ҳисобланади. Лекин нафақат иштирок этиш, балки икки юздан ортиқ мамлакатнинг 11 мингдан зиёд вакили орасида ғолибликни қўлга киритиб, қолаверса, рекорд ўрнатиш — бу тарихий воқеа, чинакам сенсациядир! Руслан ана шундай ҳайратомуз натижани қайд этди. Бу ҳақда тўхталишдан аввал, келинг, оғир атлетикачимизнинг шу даражага қандай эришгани хусусида қисқача тўхталсак. Зеро, у энг мураккаб спорт тури саналган оғир атлетикада кўзлаган мақсадига етишиш учун юртимизда яратиб берилган беқиёс шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, астойдил меҳнат қилди, тер тўкди.

Руслан Нурудинов Ватанимиз мустақилликка эришган 1991 йилда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида туғилган. Оилада уч ака-уканинг кенжаси. Акалари оғир атлетика билан шуғуллангани боис беш ёшидан спорт залига бориб, уларнинг машқларини ҳавас ила томоша қиларди. Ҳавас эса бора-бора қатъий мақсадга айланди. Саккиз ёшида Руслан ҳам оғир атлетика билан мунтазам шуғулланишга киришди. Турли мусобақаларда тажриба ва маҳоратини оширди. Ниҳоят, навбат халқаро турнирларга етиб келди. 2009 йилда Бирлашган Араб Амирликларида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритди.


(Давоми 4-бетда).


ИФТИХОР

Республикамизда хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат самарасида бугунги кунда мазкур соҳа иқтисодиётимизнинг чинакам таянчига айланмоқда.

## Иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим таянчи

Дарҳақиқат, юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларини ишончли муҳофазалаш ҳамда уларни жадал ривожлантириш борасида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётир. Айни чоғда фуқароларнинг мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини қонуний мустаҳкамлаш давлатимиз томонидан кафолатланган бўлиб, Конституциямизнинг 36-моддасида белгилаб қўйилганидек, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Асосий Қонунимиз талаб ва қоидалари барча соҳада, мамлакатимизни ислоҳ этиш ҳамда ривожлантириш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ҳуқуқий база ва зарур шароитларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилгани, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари ҳимояси самарали таъминланаётгани алоҳида аҳамиятга эга бўлаяпти.


(Давоми 2-бетда).


### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

## Давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиқлиги

ахборотдан фойдаланувчилар ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ҳамда ахборот эркинлигини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари, фуқаролик жамияти институтлари раҳбарлари, шунингдек, ахборот соҳаси мутахассислари, олимлар ҳамда экспертлар қатнашган мазкур тадбирда миллий ахборот тизими ривожланишининг жорий ҳолати ва истиқболлари, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш жараёни атрофлича муҳокама қилинди.


(Давоми 2-бетда).


## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архивида “Турли шаклдаги архив ҳужжатларини сақлаш бўйича Корея Республикаси Миллий архивлари тажрибаси” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги томонидан ташкил этилган тадбирда марказий ва ҳудудий архив идоралари вакиллари, олий таълим муассасаларининг ҳуқуқшунослик ҳамда архив иши бўйича профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассислари, Корея Республикаси Миллий архивлари ходимлари қатнашди.

**● Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан мустақиллик йилларида мамлакатимизда геодезия ҳамда картография соҳасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда таъкидланганидек, Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида “Ўзбекистон Республикаси географик атласи”нинг янги таҳрири ўзбек тилида нашрдан чиқарилди.**

● Наманганда “Истиқлол фарзандлари” ёшлар фестивали уюштирилди. Тадбирда таниқли эстрада хонандалари ва ёш ижрочиларнинг Ватан, истиқлол, ёшлик тараннуми билан йўғрилган куй-қўшиқларидан тузилган концерт дастури, қитъа ҳамда жаҳон миқёсида Ўзбекистон шарафини улуғлаётган спортчи ёшларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

**● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## Элу юрт ардоғида




Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўз мазмун-моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳар биримизнинг фаровон ҳаёт кечиришимиз учун зарур шарт-шароит яратиб беришга йўналтирилган. Буни ўз даврида юртимиз тараққиёти учун хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган нуронийларимиз давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳозир республикамизда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда ногиронлари, уруш ортида меҳнат қилган фахрийлар, якка-ёлғиз кексалар, юз ва ундан юқори ёшдаги мўътабар кишилар ана шу ғамхўрликдан баҳраманд бўлмоқдалар.

Буларнинг туб замирида “Мустақиллик” аталмиш улуғ неъмат мужассамдир. Дарҳақиқат, асрларга тенг 25 йиллик тарихимиз давомида халқимиз барча синов ҳамда қийинчиликларни мардонавор енгиб, ўзининг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, фидокорона меҳнати эвазига бугун ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган гўзал, бетакрор, муқаддас Ватанимизни бунёд этди. Шу давр мобайнида қўлга киритилган ютуқларимиз кенг жамоатчилик томонидан ҳам ўзининг юксак эътирофини топмоқда.

Шаҳару қишлоқларимиз қиёфасининг тобора чирой очиб, гўзаллашиб бораётгани, пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона, Қорақалпоғистонда қад ростлаган Устюрт газ-кимё мажмуаси, Қашқадарёдаги бир қатор саноат объектлари, Андижон, Хоразм ва Самарқанд вилоятларидаги замонавий енгил автомобиллар, автобус ҳамда юк машиналари ишлаб чиқарадиган корхоналар, байрам арафасида ишга туширилган ва “Истиқлол мўъжизаларидан бири” дея таърифланаётган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли, яна кўплаб янги ишлаб чиқариш қувватларининг барчаси — дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” сифатида тан олинган ўзимизга хос ривожланиш йўли нақадар тўғри, нақадар ҳаётий эканини тасдиқлаб турибди.


(Давоми 2-бетда).


## Электрон каталог

давлат харидларини амалга оширишнинг самарали воситасидир

Илғор ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга шу қадар тез кириб келаяптики, натижада илгари киши тасаввурига сиғмаган воқеалар бугун оддий иш кунларида ўз аксини топмоқда. Мисол учун, эндиликда одамларнинг интернет орқали керакли маҳсулотни харид қилиши ёки сотиши оддий ҳолга айланган.

ҚУЛАЙЛИК

Бунинг учун харидорларга ҳам, сотувчию тадбиркорларга ҳам бирдек қулайликлар яратиб берилаяпти. Бу ерда гап биржа фаолияти ва савдоларининг электрон тизими ҳақида бормоқда. Айни шу йўналишда Республика товар-хом ашё биржасида олиб борилаётган амалий ишлар, айниқса, диққатга сазовор.

— Биржа савдоларининг кўплаб афзалликлари бор, — дейди ушбу биржанинг савдоларни ташкил этиш бўйича директори Азиз Абдуғаниев. — Дейлик, юқори малакали савдо ходимлари хизматидан фойдаланиш ҳамда воситачи-брокерларни танлаб олиш имкониятлари, харажатларни эмас, савдо ҳажмини кўпайтириш, битимлар бажарилишининг кафолатланганлиги ва уларни амалга оширишда савдо операцияларининг тезкорлиги, бозорнинг юқори даражада ликвидлиги, савдоларда кўплаб харидорлар, сотувчиларнинг иштироки ҳисобига шаклланган кучли рақобат асосида оптимал бозор баҳосини аниқлаш имконияти мавжудлиги шулар жумласидан.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори электрон давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришда қўл келмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2015 йилнинг 1 июнидан бошлаб биржада янги савдо платформаси — электрон каталог тизими жорий қилиниб, бугунги кунда у самарали фаолият юритаётир.


(Давоми 2-бетда).


### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2016 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми

**11,8**

**фоиз ошди.**



*Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ҳамда коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.*

# Иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим таянчи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида депутатлар ҳамда сенаторлар билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида юртимиз мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки йиллар ҳақида тўхталиб, бизга эски мустабид тузумдан бир ёқлама ривожланган, пахта монополияси авж олган, асосан, хом ашё етказиб беришга мослашган заиф ва ночор иқтисодиёт мерос бўлиб қолганини таъкидлади.

Бугун эса мамлакатимиз иқтисодиёти равнақида хусусий мулкка кенг йўл очиб берилгани муҳим омил бўлмоқда. Соҳа учун қулай шароитлар, имтиёзу преференциялар яратиш, хусусий мулк ҳамда мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилингани долзарб аҳамиятга эга бўлди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазаси янада кучайтирилгани улар фаолиятига давлат ҳамда назорат идоралари томонидан асоссиз аралашувларни чеклади. Жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда мулкдор ҳуқуқи устуворлиги тамойили мустаҳкамланди.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли мамлакатимизда макроиқтисодий мутаносиблик ҳамда иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатлари таъминланмоқда. Жорий йилнинг олти ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,8 фоиз, чакана товар айланмаси 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми 10,8 фоиз ўсди. Эришилган бундай натижалар, аввало, иқтисодиётда ижобий таркибий силжишларга, сифат ўзгаришларига ва тенденцияларга, шунингдек, самарали пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати ўтказилишига, аҳолининг тадбиркорлик билан кенг шуғулланиши ҳамда даромадлари ортишига хизмат қилмоқда.

Эътиборлиси, кейинги беш йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми кўпайгани, ўз навбатида, ягона солиқ тўлови тушумларининг ўсишига олиб келди. Солиқ юкининг муттасил камайтирилиши, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган банк кредитлари кўпайтирилиши кичик бизнеснинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу иқтисодиётнинг кўпгина соҳалари ва тармоқларини равнақ топтиришда муҳим ўрин тутди. Бундай фикрлар жойларда ўтказилаётган учрашувлар, мулоқотларда сайловчилар томонидан билдирилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Гарчи мулк бўйича дастлабки ҳуқуқий ислоҳотлар 1990 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонун билан бошланган бўлса-да, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши ҳамда унда мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатланиши тарихий воқеа бўлди. Мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва тизимли равишда такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборидадир.

Бинобарин, айнан шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, 2015 йил 15 майда Президентимиз томонидан “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг имзоланиши мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу Фармон ижроси доирасида турли вазирлик ҳамда давлат идоралари, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси вакиллари, қолаверса, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокамалар ташкил этилди. Уларнинг натижасида Олий Мажлис томонидан янги — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонун асосида амалдаги 33 та Қонун ҳамда 10 та Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу янгиликлар, ўз моҳиятига кўра, мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқи ҳимоясини мустаҳкамлашга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ишончли муҳофаза этиш механизмларини янада кучайтиришга йўналтирилган.

Умуман айтганда, истиқлол тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга кенг шароит яратди. Эътиборлиси, мазкур масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зотан, хусусий мулк ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятининг дахлсизлиги кўплаб қоидалар билан мустаҳкамлаб қўйилгани “Ким эдигу ким бўлдик?!” деган ҳаётий, эзгу ғоянинг амалий ифодасини яққол тасдиқлайди.

**Элбек ШУКУРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Электрон каталог

## давлат харидларини амалга оширишнинг самарали воситасидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, қарорда белгиланганидек, бир шартнома бўйича 100 минг АҚШ доллари эквиваленти қийматигача бўлган зарур товарларнинг хариди электрон каталогда амалга оширилади ва уларнинг рўйхати Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, электрон каталог — тизимлаштирилган каталогда товарларни танлаб олиш йўли билан амалга ошириладиган харид усули. Унда жойлаштирилган етказиб берувчиларнинг таклифлари эса буюртмачиларга йўналтирилган оммавий оферта ҳисобланади.

Мазкур тизим бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш билан бирга, зарур товарларнинг давлат харидларини амалга ошириш жараёнини соддалаштиради. Мисол учун, унда ўтказиладиган электрон савдолар жараёни 48 соат вақт олади, холос. Савдо ғолиби эса электрон тизим томонидан нархлар сўрови механизмини қўллаш орқали автоматик тарзда аниқланади. Шу қатори электрон савдолар билан боғлиқ бўлган барча операция фойдаланувчининг шахсий кабинетида бажарилади.

Электрон каталогнинг бир йиллик фаолияти давомида давлат харидларини амалга оширишнинг ишончли ҳамда самарали воситаси эканлиги исботини топди. Чунки ушбу тизимда ҳам буюртмачи, ҳам товар етказиб берувчига қўшимча қулайликлар мавжуд. Яъни бюджет ташкилотлари учун вақт тежаш имконияти юзага келган бўлса, кичик бизнес субъектлари давлат харидларидан янада кенгроқ фойдаланишга замин ҳозирлади. 2015 йилнинг 1 июнидан жорий йилнинг 1 июнига қадар у орқали 70,1 млрд. сўмлик 65 мингта битим тузилиб, 20,3 млрд. сўмлик бюджет маблағлари тежалгани бунинг ёрқин далилидир.

Битимларда тадбиркорлик субъектларининг тўлиқ иштироки таъминланди. Энг йирик битимлар Тошкент шаҳри ва вилоятида имзоланиб, уларнинг жами битимлардаги улуши 20 фоизни, Бухоро вилоятиники 13 фоизни, Самарқанд ҳамда Сурхондарё вилоятиники 10 фоизни ташкил этди. Қолган ҳудудларнинг ҳиссаси эса 4 — 7 фоизданга тўғри келди.

Қурилиш моллари сотилган товарларнинг таркибий тузилмаси 49 фоизни, автотранспорт эҳтиёт қисмлари 29 фоизни, бошқа жиҳозлар 19 фоиз, компьютер ва оргтехника эҳтиёт қисмлари 3 фоизни эгаллади. Бугунги кунда ушбу товар гуруҳлари бюджет ташкилотларининг кундалик фаолиятида кенг фойдаланиладиган 18 та товардан ташкил топган.

Биржанинг мазкур лойиҳаси доирасида тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилган. Масалан, кафолатловчи етказиб берувчилар рўйхатига кирган тадбиркорлар электрон каталог тизимида савдоларда қатнашиш учун киритиладиган кафолат маблағларидан озод этилади. Ҳозирги кунда электрон харидлар тизимида 240 дан зиёд кичик корхоналар ушбу имтиёздан фойдаланаётгани диққатга сазовор.

Республика товар-хом ашё биржаси жамоаси келгусида электрон каталогда жойлаштириладиган товарлар рўйхатини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобига янада кенгайтириш, кафолатловчи етказиб берувчилар сонини кўпайтириш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг шахсий кабинетида янги интерактив хизматларни жорий қилишни режалаштирган.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

# Давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиқлиги

## ахборотдан фойдаланувчилар ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, ахборот соҳасини ислоҳ этиш, аҳолининг эркин ахборот олишини таъминлаш масалалари мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бугунги кунда соҳанинг илғор демократик стандартларга мос мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани ОАВнинг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

Бинобарин, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши амалиётда самарали ишлаб келаётган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунларни мантиқан тўлдириб, миллий ахборот-коммуникация соҳаси равнақи учун янги имкониятларни очиб берди.

Ушбу Қонун давлат органларининг фуқаролар олдида ҳисобдорлиги тўғрисидаги конституциявий қоидаларни амалга ошириш механизмларининг ривожланиши учун асос яратгани, шу билан бирга, жамият ҳаётининг муҳим воқеалари юзасидан ижтимоий фикрни шакллантириш вазифаларини бажаришда, фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун янги имкониятларни бергани қайд этилди.

Тадбирда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги ҳолатни янада яхшилашда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги мазкур Қонун қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши билан боғлиқ бўлган тегишли қонуности ҳужжатлар базасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурлиги истиқболдаги муҳим вазифалар сифатида айтиб ўтилди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, жорий йилда Жамоат кенгаши томонидан Ўзбекистондаги давлат бошқаруви органларида ахборот очиқлигининг рейтинги шакллантирилади.

Иштирокчилар эътиборига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуннинг амалиётдаги ижросини таъминловчи давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича Регламент лойиҳаси ҳавола этилди. Мазкур Регламент, айтиб ўтилганидек, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тартиби ва механизмининг батафсил талабларини белгилайди.

Тадбирда, шунингдек, ушбу йўналишда ижобий тажрибага эга давлат органлари фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Якунда ахборот ҳамда сўз эркинлигини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, соҳа қонунчилигини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

## Иқлим шароитига мос

**Андижон**

Вилоят марказидаги замонавий эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Dong ju paint” масъулияти чекланган жамиятида янги тармоққа асос солинди. Яъни бу ерда гилам тўқиш цехи фаолият бошлади.

— Илғор русумдаги технологияларни келтириб ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Дилшодбек Ҳасанов. — Ҳозир улар ёрдамида тайёрланаётган нақшинкор гиламларимиз турдошларига қараганда бир қатор афзалликларга эга. Масалан, ўзидан совуқ, нам, ҳатто, сув ўтказмайди. Экологик жиҳатдан мутлақо зарарсиз. Табиий иқлим шароитимизга мос. Қолаверса, хом ашёни вилоятдаги мавжуд корхоналардан сотиб олаётганимиз туфайли унинг таннархини пасайтиришга эришаяпмиз.

Айни пайтда корхонада ойига 2000 квадрат метр ҳажмдаги гилам тўқилаяпти. Тез орада жамоа ташқи бозорга чиқишни ҳам режалаштирган.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбиркорлар ҳиссаси ортмоқда

**Бухоро**

Пешку туманидаги “Обиҳаёт” масъулияти чекланган жамиятида эллик йиллик кафолат билан металл конструкцияли дарвозалар тайёрланмоқда.

— Кичик корхонамиз — мустақиллик тенгдоши, — дейди лойиҳа ташаббускори Исмоил Иноятов. — 1991 йилда ўзим шу иш билан шуғуллана бошлагандим. Энди эса ўғилларим қанотимга кирди. Ўзига хос дизайнга эга маҳсулотларимизга намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қураётган ташкилотларда талаб катта. Ҳозиргача Пешку, Бухоро, Ромитан, Жондор туманларида қад ростлаган ана шундай тураржойлар учун юздан зиёд замонавий кўринишдаги дарвозалар тайёрлаб бердик.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг дастлабки ярмида “Обиҳаёт” каби кичик бизнес субъектларининг вилоят қурилиш саноатидаги улуши 70,4 фоизни ташкил этди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Табиий ипакдан сифатли маҳсулотлар

**Фарғона**

Қўштепа туманидаги “Қўштепа ипак гиламлари” қўшма корхонасида 1 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-реконструкция ишларидан сўнг адрас, атлас ва ипак гиламлар тайёрлашга киришилди.

— Ҳудудимиздаги бўш турган бинолардан бири инвестиция киритиш шарти билан “ноль” қийматида тасарруфимизга берилган эди, — дейди ишлаб чиқариш субъекти раҳбари Исмоилжон Ашуралиев. — Бу ерда технологик жараёнларни йўлга қўйдик. Шу тариқа табиий ипакдан ранго-ранг матолар ҳамда ноёб андозадаги гиламларни саноат усулида тўқишга киришилди. Ҳозир жамоамизда 200 дан зиёд киши иш билан банд. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлардир.

Айни пайтда қўшма корхона мутахассислари атлас ҳамда адрас матоларининг тақчил нусхаларини қайта тиклаш ҳаракатида.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Элу юрт ардоғида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шуларга мос равишда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилганлиги ва бу борада кўплаб эзгу амаллар рўёбга чиқарилаётганини мамнуният билан айтиш мумкин. БМТ шафелигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ҳамда халқаро экспертлар иштирокида “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” мавзуида ўтказилган тадқиқотлар индекси бўйича Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-ўринни, МДҲ мамлакатлари орасида эса 1-ўринни эгаллагани ҳам бунинг ҳаётий исботидир.

Республикамизда ёши улуғ инсонларни ижтимоий муҳофазалаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар БМТ Бош Ассамблеяси сессиясининг расмий ҳужжати сифатида олти тилда тарқатилиши эса давлатимизнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги сиёсати намуна сифатида эътироф қилинганининг ёрқин далили бўлди.

Кексалар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, уларнинг ҳаёти янада мазмунли ҳамда самарали бўлиши учун кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида халқимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида 75 ёшга етди. Шуларга мос ҳолда, нуронийлар сафи янада кенгаймоқда. Бугун хонадонларимиз файзи бўлган 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук қариялар озод юрт қучоғида, яхшилар ардоғида шукрона айтиб, умр кечирмоқда. Уларнинг 2 минг нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 59 минг нафари меҳнат фронти фахрийсидир.

Президентимизнинг 1996 йил 4 декабрдаги Фармони асосида кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ташкил этилди.

Бундан ўн етти йил муқаддам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 9 май “Хотира ва Қадрлаш куни” деб эълон қилингани муҳим воқеа бўлди. Халқимизнинг тарихий анъаналари ҳамда маънавиятини ўзида ифодаловчи бу айём мазмунан бойиб, нафақат Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганларни, балки кейинги йилларда вафот этган собиқ жангчиларни хотирлаш, бугун Ватанимиз обрўсини юксалтиришга, ёшларимизни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган юртдошларимиз ҳурматини жойига қўйиш ҳаракатига айланиб бормоқда.

Ёдингизда бўлса, собиқ тузум даврида урушдан қайтмаган жангчилар шарафига қўйилган ёдгорликларда “Исминг номаълум, жасоратинг абадий” деган мантиққа зид битик бўларди. Минг шукрки, ушбу адолатсизликка барҳам берилди. Яъни юртимизда “Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди!” деган олижаноб тамойил асосида иш тутилиб, Мустақиллик майдонидаги Хотира мажмуида “Мотамсаро она” ҳайкали ўрнатилди. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 450 мингдан зиёд ўзбекистонлик жангчиларнинг исмшарифи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Бу билан инсон хотирасига муносиб ҳурмат ҳамда эҳтиром кўрсатилди.

Фахрийларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳам салмоқли бўлиб бораётганлигини айтиш зарур. Хусусан, жамғарма бўлимлари ҳисобидан сўнгги беш йил давомида кексаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига жами бир миллиард 775 миллион сўмлик моддий ёрдам берилган бўлса, биргина 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йилида жамғарма ҳисобидан қарийб 1 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурига биноан, кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини кучайтириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар фахрийларимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Муҳими, бу уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Масалан, 100 ёшга етган ҳамда ундан ошган кексаларимизнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаш тизими татбиқ этилди.

Шунингдек, 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган 61 мингдан ортиқ фахрийларимизга коммунал хизматлар бўйича 3 миллиард 900 миллион сўм миқдоридаги компенсация пуллари бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди.

Фахрийларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 миллион 750 минг нафар нуроний отахону онахонларнинг пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилиб, уларга бюджет маблағи ҳисобидан 12 триллион 888 миллиард сўм пенсия тўланди.

Бундан ташқари, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига йилда бир марта ўзи учун мақбул бўлган муддатда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат бюджети ҳисобидан бепул соғломлаштириш курсини ўтиш имкони берилди. Шунга кўра, 2015 йилда 70 минг нафарга яқин нуронийлар стационар ҳамда санаторий-курорт муассасаларида ўз саломатликларини мустаҳкамлашди.

Юртимизнинг барча ҳудудида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида бўлиб ўтган турли тадбирлар натижасида 215 минг нафардан зиёд фахрийлар чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ҳар йили 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни байрами арафасида “Дори-дармон” акциядорлик компанияси томонидан ўрта ҳисобда 7000 дона махсус дори-дармон йиғмалари уруш қатнашчилари, ёлғиз пенсионер ҳамда ногиронларга бепул етказиб берилмоқда.

Илгарилари остона ҳатлаб томорқадан нарини кўрмаган нуронийларимизнинг истиқлол шарофати туфайли ҳар йили Самарқанд, Хива, Бухоро, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз ва Тошкент каби тарихий шаҳарларимиз ҳамда муқаддас қадамжоларимизга саёҳат ва зиёратлари уюштирилиши хайрли анъанага айланиб қолди.

Бундай ғамхўрликдан нуронийлар беҳад миннатдор. Масалан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1-гуруҳ ногирони, 92 ёшли Маҳаматкарим Тошпўлатов бизга йўллаган хатида шундай ёзади: “Бизга кўрсатилаётган ғамхўрликдан бошимиз кўкка етди. “Эъзоз инсон умрини узайтиради”, деганлари рост экан. Пировардида соғ-омон, пиру бадавлат бўлиб яшаяпмиз. Таъминотимиз юқори даражада. Бизнинг тилагимиз: юртимиз тинч, ёшларимиз, фарзандларимиз бахтли бўлсин”.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Иззат-икром фахрийларимизнинг шижоатига шижоат қўшаётгани ҳам бор гап. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган эзгу ғоя остида ўтказилаётган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида нуронийларимиз ҳам ўзларини намоён этмоқдалар. Яъни ҳозирги пайтда барча ҳудудларда ҳар бири 5 — 7 нафар нуронийдан иборат жами 6 мингга яқин тарғибот гуруҳлари самарали фаолият олиб бораётир. Айни чоғда улар турли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган 20 мингдан зиёд тадбирлар ва давра суҳбатларида фаол қатнашишди.

Бундай тадбирларда нуронийларимиз ўз ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобларининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб бераётганлиги ёшларимиз учун айни муддао бўлмоқда.

Умуман, мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни ардоқлаш, уларнинг бахтли ҳамда фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилаяпти. Пировардида эса отахону онахонларимиз бугунги кунидан рози ҳолда, тилда шукроналари ҳамда ёшлар тарбиясидаги ҳақиқий ибратлари билан Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**Шуҳрат УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 16 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2278,58 | 1 Польша злотийси | 778,74 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3851,06 | 1 Норвегия кронаси | 362,20 |
| 1 Дания кронаси | 446,92 | 1 СДР | 4153,84 |
| 1 БАА дирҳами | 811,16 | 1 Туркия лираси | 1006,76 |
| 1 АҚШ доллари | 2979,31 | 1 Швейцария франки | 3055,08 |
| 1 Миср фунти | 335,51 | 1 Сингапур доллари | 2212,96 |
| 1 Исландия кронаси | 25,17 | 1 евро | 3326,16 |
| 1 Канада доллари | 2299,03 | 1 Швеция кронаси | 352,26 |
| 1 Хитой юани | 448,20 | 1 Кувайт динори | 9870,17 |
| 1 Россия рубли | 46,31 | 10 Жанубий Корея вони | 27,07 |
| 1 Украина гривнаси | 118,96 | 10 Япония иенаси | 294,14 |
| 1 Малайзия ринггити | 741,31 | 100 Ливан фунти | 198,03 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ИСЛОҲОТ

# САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА АМАЛИЁТ

Ўзбекистон тарихан жуда қисқа даврда аграр республикадан саноати жадал ривожланаётган давлатга айлангани кўпчиликда ҳавас ва ҳайрат туйғусини уйғотмоқда. Бундан ғурурланамиз. Ахир иқтисодиётимизда саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар ҳиссаси 70 фоиздан ошгани, ҳақиқатан ҳам, фахрланса арзигулик натижа-да! Қўлга киритилаётган ушбу ютуқлар замирида иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашга доир лойиҳалар амалиётга изчил татбиқ этилаётгани мужассамдир.



Дарҳақиқат, юртимизга жалб қилинаётган инвестицияларнинг асосий қисми замонавий корхоналарни барпо этиш, мавжудларини модернизациялашга сарфланаяпти. Хусусан, 2015 йилда ўзлаштирилган сармояларнинг 67,1 фоизи бевосита янги ишлаб чиқариш қувватларини бунёд қилишга йўналтирилгани туфайли умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Ишлаб чиқаришга илғор техника ва технологияларни нафақат кенг татбиқ этиш, балки улардан тўғри ҳамда оқилона фойдаланиш ҳам ўта муҳим масаладир. Яъни объектларни қуриш, кенгайтириш ва қайта жиҳозлашда саноат хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиниши шарт. Шу боис юртимизда мазкур соҳа бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси — "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси тасарруфидаги ташкилот — "Контехназоратўқув" илмий-техник маркази" давлат унитар корхонаси томонидан зарур чора-тадбирлар олиб борилаяпти. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикасининг "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар дастуриламал бўлаётир.



Айни пайтда марказнинг "Саноат хавфсизлиги" курсида хавфли ишлаб чиқариш объектларининг раҳбар ҳамда мутахассис ходимлари, экспертлар ўқитилиши баробарида, соҳага доир илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилаяпти. Бу курс ниҳоятда кенг бўлиб, у ўз ичига "Кон руда ва норуда объектлари саноат хавфсизлиги", "Нефтгаз объектлари саноат хавфсизлиги", "Кимё, нефткимё, нефтгаз объектлари саноат хавфсизлиги", "Газ хўжалиги объектлари саноат хавфсизлиги", "Қозонхоналар ва кўтариш ускуналари саноат хавфсизлиги", "Донни қайта ишлаш фаолиятини ташкил қилиш саноат хавфсизлиги", "Хавфли юкларни ташишни ташкил қилиш саноат хавфсизлиги" каби устувор йўналишларни қамраб олган.

Соҳанинг муҳим жиҳати, у иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият олиб бораётган объектлар, қолаверса, фуқаролар хавфсизлиги бўйича мутахассисларни тайёрлайди, уларнинг малакасини оширади. Ўқув курсларини тамомлаган мутахассисларга эса сертификат берилади.

Кейинги йилларда "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси мутахассислари билан ҳамкорликда республикамизнинг турли ҳудудларида ўқув курслари ташкил этилаётгани саноат тармоқлари учун зарур кадрларни тайёрлашда айни муддао бўлмоқда. Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳамда "Шўртаннефтгаз" унитар шуъба корхонаси, "Термиз ҳудудий электр тармоқлари", "Хоразм ҳудудий электр тармоқлари", "Фарғона ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларида ташкил этилган курслар бунга мисол бўла олади.

Мазкур жараёнда тўпланган тажриба асосида ўқиш йилнинг тингловчилар учун мақбул пайтида уюштирилаётгани, энг асосийси, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг етакчи мутахассислари долзарб мавзулардаги маърузалари билан қатнашаётгани туфайли уларга бўлган қизиқиш тобора кучаймоқда. Шулар инобатга олиниб, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, "Навоийазот" акциядорлик жамияти, Чирчиқ шаҳридаги "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати" акциядорлик жамияти, Олмалиқ шаҳридаги "Аммофос-Максам" акциядорлик жамияти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги "UzKorGas Chemical" қўшма корхонаси каби йирик саноат корхоналарида ҳам махсус курслар ўқитилди. Пировардида 2010 — 2015 йилларда ташкил этилган машғулотларда жами 6 минг нафардан зиёд мутахассис ходимлар қамраб олинди.

"Контехназоратўқув" илмий-техник маркази 2015 йил 10 июнда аккредитация қилинган эксперт ташкилотлар реестрида рўйхатга олинган бўлиб, у хавфли ишлаб чиқариш объектларини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиҳа ҳужжатларини саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиб келмоқда. Кўмир, кон, руда ҳамда норуда саноати объектлари, босими 0,07 МПа ёки сувни иситиш ҳарорати 115 даражадан юқори бўлган жиҳоздан фойдаланиладиган ишлаб чиқариш корхоналари, кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, пўлат арқонли осма йўллар, фуникулёрлардан фойдаланиладиган муассасалар, табиий ва суюлтирилган углеводород газларидан фойдаланувчи газ таъминоти (газ тақсимлаш, газ истеъмоли) объектлари ана шулар сирасига киради.

Қолаверса, марказ ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техник қурилмалар, шунингдек, саноат хавфсизлиги декларацияси ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни ҳам саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиш билан шуғулланади. Бунинг учун марказда зарур шарт-шароит, юксак салоҳият мавжуд.

"Контехназоратўқув" илмий-техник маркази" давлат унитар корхонаси жамоаси ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишда давом этмоқда. Зотан, иқтисодий куч-қудратимизни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган саноат тармоқларида хавфсизликни таъминлаш, соҳа ишчи-ходимлари, умуман, юртимиз аҳолиси ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш фаолиятимизнинг бош мезонидир.

**Ғайрат МУСАЖОНОВ,**
**«Контехназоратўқув» илмий-техник маркази» ДУК директори.**

*Хизматлар лицензияланган.*

---

## «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

* 2014 йил 1 октябрдаги 1-487/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов номидаги ҚФЙ, 8/153-уйда жойлашган, умумий майдони 79,43 кв. м. бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 26 162 612 сўм.***

* ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2011 йил 28 октябрдаги ҳукмига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Файз» дала-ҳовли уюшмасида жойлашган, ер майдони 0,0611 гектар бўлган, 0001-литердаги 14-сонли дала-ҳовли бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 6 949 665 сўм.***

* 2015 йил 25 мартдаги 1-1108/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Бобур номидаги маҳалла, «Apex tech trading» МЧЖ ҳудудидаги 1,21 гектар ер майдонида жойлашган, 0001-литер — нотурар бино, 0005-литер — нотурар бино, 0006-литер — бостирма, 0007-литер — нотурар бино, 0008-литер — бостирма, 0010-литер — тарозихона биноси, 0011-литер — тарозихона биноси, 0012-литер — қоровулхона биноси, 0013-литер — насос иншооти, 0014-литер — бостирма, 0015-литер — ёрдамчи бино, 0016-литер — ҳожатхона, 0017-литер — насос биноси, 0018-литер — сув тозалаш ҳовузи ҳамда тўсиқ девордан иборат мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехи бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 222 163 131 сўм 5 тийин.***

* 2011 йил 12 сентябрдаги 111848-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси, «Буюм бозори» ҳудудида жойлашган, умумий майдони 24,0 кв. м. бўлган савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 35 203 000 сўм.***

* 2016 йил 15 апрелдаги 11-1606/2913-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски қовунчи» ҚФЙ, Янгийўл 3-бўлимида жойлашган, умумий майдони 0,45 гектар бўлган чорвачилик биноси.

***Бошланғич баҳоси — 156 250 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 8 сентябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан соат 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин, яъни 2016 йил 6 сентябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,**
**Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**
**www.nea.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1232R/261

---

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Қорақалпоғистон минтақавий филиали билан 2016 йил 1 август куни тузилган битимга асосан, қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Нукус шаҳри, Хўжайли гузари кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, умумий майдони 10963,9 кв. м. бўлган бино-иншоотлар (маъмурий бино, назоратдан ўтказиш пункти, устахона, материал-техника омбори, ишлаб чиқариш цехи (мойка).

***Бошланғич баҳоси — 1 646 161 052 сўм 39 тийин.***

**2.** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 104-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 1909 кв. м. бўлган компрессор станцияси.

***Бошланғич баҳоси — 4 757 060 294 сўм 5 тийин.***

**3.** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 кв. м. бўлган савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 3 530 295 504 сўм 9 тийин.***

**4.** Сирдарё тумани, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, умумий майдони 19902 кв. м. бўлган ишлаб чиқариш бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 4 240 606 942 сўм 7 тийин.***

Аукцион савдоси 2016 йил 20 сентябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлигига оид ҳужжат билан бирга қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар аукцион савдосида ваколатли вакил қатнашса, қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжати нусхаси;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибига 20 (йигирма) кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини закалат келишувига асосан, ариза топширгунга қадар «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТБ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.**
**Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**
**Электрон почта: user14@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1227R/180

---

## «Best realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**I.** Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** ФИБ Миробод туманлараро судининг 2016 йил 15 мартдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Saidmurod otayor qurilish montaj servis» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Дўстлик» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 519,82 кв. м. бўлган, 1 қаватли ғишт ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 648 776 000 сўм.***

**2.** ФИБ Миробод туманлараро судининг 2016 йил 15 мартдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтол 4-берк кўчаси, 14-уйда жойлашган, умумий майдони 215,72 кв. м. бўлган 1 қаватли уй.

***Бошланғич баҳоси — 340 000 000 сўм.***

**3.** ФИБ Миробод туманлараро судининг 2016 йил 15 мартдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтол 4-берк кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 255,45 кв. м. бўлган 2 қаватли уй.

***Бошланғич баҳоси — 312 500 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 27 мартдаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мироншоҳ 7-берк (собиқ Мичурин 4-берк) кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв. м., фойдаланиш майдони 115,24 кв. м. бўлган, 1 қаватли, 3 та яшаш хонаси, ҳожатхона, ювиниш хонаси, дарвозадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 152 981 991 сўм.***

**2.** ФИБ Миробод туманлараро судининг 2016 йил 17 мартдаги 1-1683/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 59-уйда жойлашган, умумий майдони 110 кв. м. бўлган, Фан-техника маркази биносининг ертўла майдони.

***Бошланғич баҳоси — 152 000 000 сўм.***

**3.** ФИБ Миробод туманлараро судининг 2016 йил 29 апрелдаги 1-1899/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-2 мавзеси, 6-уй, 57-хонадонда жойлашган, умумий майдони 57,64 кв. м., тураржой майдони 25,73 кв. м. бўлган, кўп қаватли уйнинг биринчи қаватидаги 2 хонали хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 218 750 000 сўм.***

**4.** ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2013 йил 19 февралдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, 283 кв. м. ер майдонида қурилган, фойдаланиш майдони 76,15 кв. м. бўлган, 1 қаватли, 2 та яшаш хонасидан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 63 144 000 сўм.***

**5.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фидокор (собиқ Чехов) кўчаси, 40-уйдаги 5 қаватли уй-жойнинг ертўласида жойлашган, 20 кв. м.дан иборат 24-сонли автомобиль сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 27 662 550 сўм.***

**6.** Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Олий судининг 2014 йил 22 мартдаги 1-о/х-228-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-«Б» уйдаги, умумий майдони 73 кв. м. бўлган 43 ва 45-сонли автомобиль сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 59 164 856 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 21 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО: 01036. СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99895) 193-01-11.**
**www.emulk.uz Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz**

1230R/421

---

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани СИБ томонидан ФИБ Беруний туманлараро судининг 2016 йил 14 апрелдаги 1-832-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Беруний тумани, Аҳмад Яссавий кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 410,76 кв. м. бўлган тикувчилик ва конус ишлаб чиқариш цехи биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 456 578 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 22 сентябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 20 сентябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Манзил:**
**Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.**
**Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1226R/180

# Ўзбекистон спортчиси Олимпиада рекордини янгилади



Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу унинг халқаро мусобақалардаги дастлабки ғалабаси эди. Ўшанда хорижлик кўплаб таниқли мутахассислар ёш атлетдаги шижоат, қатъиятни кўриб, унинг келажаги порлоқ эканини билдиришганди. Дарҳақиқат, ҳамюртимиз муваффақиятли чиқишларини давом эттирди. 2011 йили Франциядаги жаҳон чемпионатида кумуш, 2012 йили Жанубий Кореяда уюштирилган қитъа чемпионатида олтин медаль билан тақдирланди. Лондон шаҳри мезбонлик қилган Олимпия ўйинларида кучли тўртликдан жой олди.

Оғир атлетикачимиз айнан Буюк Британияда ўтказилган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида қайд этган натижасидан қониқмай, ўз устида янада кўпроқ ишлаши кераклигини тушуниб етганини, “Рио — 2016”да, албатта, совриндор бўлиш учун астойдил ҳаракат қилишини интервьюларида бир неча бор таъкидлаган.

Бунгача яна йирик халқаро турнирлар, беллашувлар ўтказилди. Уларда қатнашиб, маҳоратини оширди. Жумладан, 2013 йилги спорт мавсуми Руслан учун муваффақиятли кечди. Дастлаб Осиё чемпионатида учта олтин медалга сазовор бўлди. Жаҳон универсиадасининг икки рекордини янгилаб, чемпионликка эришди. Ўша йили Польшанинг Вроцлав шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон биринчилигида олтин медални қўлга киритди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бир гуруҳ истеъдод эгалари қаторида моҳир спортчимиз Руслан Нурудиновнинг ана шу ғалабасини эътироф этган ҳолда, у “Ўзбекистон ифтихори” деган юксак унвон билан тақдирланганини айтиб, “Ватанимизнинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган, сафлари тобора кенгайиб бораётган бундай фарзандларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, ҳар қанча эъзозласак, арзийди, албатта”, дея таъкидлади.

Чиндан ҳам, юртимизда ҳар бир инсон ардоқда. Айниқса, Ватан шаънини улуғлашга муносиб ҳисса қўшаётганларни халқимиз чин дилдан қадрлайди. Руслан Нурудинов Президентимиз Фармонига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони билан ҳам тақдирланган.

...Рио-де-Жанейро. Оғир атлетика бўйича вазни 105 килограммгача бўлган атлетлар ўртасида Руслан Нурудинов штангани даст кўтаришда 194, силтаб кўтаришда 237, иккикураш якунига кўра, 431 килограмм натижа қайд этиб, Олимпия ўйинлари ғолиби бўлди. У силтаб кўтаришда кўрсатган натижаси билан бундан саккиз йил аввал беларуслик Андрей Арямнов томонидан Пекин Олимпиадасида ўрнатилган рекорд (236 килограмм)ни йўққа чиқариб, янги рекордчи сифатида жаҳон спорти тарихига кирди.

Ғолиб спортчимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

— Жуда ҳаяжондаман. Қалбимда кечаётган ҳис-туйғуларни сўз билан таърифлаб беролмайман. Бу юртдошларимизнинг ғалабасидир, — дейди чемпион Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси расмий сайтига берган интервьюсида. — Мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган давлатимизга, халқимизга, барча-барчага самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

***Ватандошимизнинг Олимпия ўйинларидаги иштироки дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситалари, хусусан, машҳур ахборот агентликлари, спорт нашрлари, телеканаллар, интернет орқали ҳам кенг ёритилди. Уларда спортчимизнинг маҳорати, янги рекорд қайд этгани алоҳида таъкидланиб, интервьюсидан иқтибос келтирилган. Айримларини эътиборингизга ҳавола қилсак:***

**“Agence France-Presse” ахборот агентлиги:**

“Нурудинов 2012 йилда Лондон Олимпиадасида 4-ўринни эгаллаганидан сўнг унинг чап тиззасида жароҳат пайдо бўлди. Шу боис у 2013 йилдан 2015 йилгача спорт мусобақаларида қатнаша олмади. Руслан ўша дамларда ўзида катта куч ва ирода топиб, яна спорт мусобақаларига қайтиш ҳақида ўйлади ҳамда бугун шундай юксак маррани эгаллади”.

**www.nbcwashington.com:**

“У силтаб кўтаришда 237 килограмм натижа билан Олимпия ўйинларининг янги рекордини ўрнатди, икки кураш якуни бўйича олтин медални қўлга киритди. Шу пайтгача Марказий Осиё давлатлари орасида ҳеч бир оғир атлетикачи бундай муваффақиятга эриша олмаган”.

**www.europeonline-magazine.eu:**

“Руслан мусобақадан кейин берган интервьюсида аслида силтаб кўтаришда 237 килограммдан ҳам яхшироқ натижа қайд эта олиши мумкинлигини, чунки машғулотларда 240 килограммлик тошни бўйсундиришни уддалаганини айтди”.

***Руслан ҳақида нуфузли халқаро спорт ташкилотлари вакиллари, чемпионнинг яқинлари, мураббийлари ҳам самимий фикр ва дил изҳорларини билдиришди.***

**Томаш АЯН, Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти:**

— Бугун Руслан Нурудинов кўрсатган натижа Ўзбекистонда спорт қай даражада тараққий топиб бораётганининг ёрқин исботидир. Умуман, “Рио — 2016”да Ўзбекистон вакиллари забт этаётган марралар таҳсинга сазовор. Олимпия ўйинларида бундай оламшумул ютуқларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Мен Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганман ҳамда юртингизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан яхши хабардорман. Амалга оширилаётган ишларга фақат қойил қолиш керак. Бунинг самараси Олимпия ўйинларида ҳам кўзга яққол ташланмоқда.

**Гулчеҳра НУРУДИНОВА, чемпионнинг онаси:**

— Ўғлим спорт оламига шунчаки чиниқиш учун кириб келгани йўқ. У чемпион бўлишга интилди. Ўз устида тинимсиз ишлади, маҳоратини ошириб борди. Нуфузли мусобақалар олдидан ҳамиша “Она, дуо қилинг, Ўзбекистоннинг муносиб ўғлони эканлигимни амалда исботлашим керак”, дерди. Ватанимиз байроғини юқори кўтаришни истарди. Мана, ниҳоят унинг энг катта орзуси рўёбга чиқди. Риодан олтин медаль билан қайтадиган бўлди. Бундан қанчалик қувонаётганимни, бахтиёр эканимни билсангиз эди...

**Ойбек ТУРҒУНОВ, Андижон олимпия захиралари коллежининг оғир атлетика бўйича мураббийи:**

— Руслан Нурудиновнинг маҳоратли спортчи бўлиб етишишида илк устозлари Альберт Валеев ҳамда Марат Гафаровнинг хизматлари катта. Уларнинг машғулотлари туфайли Русланда оғир атлетикага, ғалабага бўлган иштиёқ янада кучайди. Иродаси тобланди. Бу эса спортда ярим муваффақият, дегани. Биз шогирдимиз билан фахрланамиз.

**Сиёвуш АБДИЕВ, Руслан Нурудиновнинг синфдоши:**

— Дўстимиз ана шу ғалабасига тўлиқ муносиб. Болалигидан тиришқоқ, ҳаракатчан, олдига қўйган мақсадига эришмагунига қадар тинмайдиган йигитдан бундай ютуқни ҳаммамиз кутгандик. Ниҳоят у нафақат яқинлари, дўстлари, мураббийлари, балки бутун халқимизни хурсанд қила олди...

“Рио — 2016”нинг бокс мусобақаларига оид яна бир қувончли хабар. Вазни 75 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида иштирок этаётган ҳамюртимиз Бектемир Меликўзиев чорак финалда ҳиндистонлик Викаш Кришанни яққол устунлик билан енгиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Бектемир кейинги беллашувни мексикалик Узиель Родригесга қарши ўтказади. Шунингдек, кеча 64 килограммгача бўлган вазнда рингга кўтарилган яна бир вакилимиз Фазлиддин Ғойибназаров АҚШлик Гэри Антуан Расселлни мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўл олди. Энди у россиялик боксчи Виталий Дунайцев билан финал йўлланмаси учун беллашади.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ҳозирги пайтга қадар 2 та олтин ва 4 та бронза медалга эга бўлган Ўзбекистон делегацияси умумжамоа ҳисобида 27-ўринда бормоқда.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# Соғлом аёл — соғлом жамият

ФЕСТИВАЛЬ

Наманган шаҳридаги “Баркамол авлод” спорт мажмуасида ташкил этилган аёллар спорт фестивали қизиқарли ва муросасиз баҳсларга бой бўлди.

Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда аёллар ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Биргина Наманган вилояти шаҳар ҳамда қишлоқларида 8509 та спорт тўгараги фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга 203,2 минг киши, жумладан, 82,5 минг нафар хотин-қиз жалб қилинган.

Фестивалда умумжамоа ҳисобида учқўрғонлик спортчи аёллар ғолибликка эришди. Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри жамоаси кейинги ўринларни банд этди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

MIKROKREDITBANK

**«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллик байрами муносабати билан юртдошларимизни муборакбод этади ҳамда

«ИСТИҚЛОЛ — 25»

номли янги омонат турини таклиф этади.



«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Телефон: (+99871) 202-99-99.

www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

1231R/95

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2016 йил 26 апрелдаги 23-1602/2280-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, Утепов кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, ер майдони 2483,5 кв. м., фойдаланиш майдони 945,9 кв. м., ишлаб чиқариш майдони 1043,93 кв. м. бўлган 15 хонали ССУ базаси биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 312 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 7 сентябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 5 сентябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1228R/180

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Самарқанд вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Пахтачи тумани СИБ томонидан ЖИБ Каттақўрғон тумани судининг 2015 йил 25 мартдаги 1-12-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, «Мисит» ҚФЙ, Бодой маҳалласида жойлашган, ер майдони 1200,0 кв. м. бўлган уй-жой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 224 745 323 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Ургут тумани СИБ томонидан ФИБ Тайлоқ туманлараро судининг 2015 йил 6 октябрдаги 1-3570-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, «Мирзақишлоқ» ҚФЙ, Камангарон маҳалласида жойлашган, умумий майдони 30 812,85 кв. м. бўлган молхона ва дала шийпони биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 125 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 21 сентябрь куни соат 11.00 да «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали аукцион залида ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй. Телефон: (0-366) 233-80-56. www.1kms.uz E-mail: rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1229R/180

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони жамоаси Девон раҳбари А. К. Иркаходжаевга отаси **КАМОЛ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Урология ва нефрология кафедрасининг доценти **Фазлитдин Зухритдинович НИЗАМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Статистика кафедраси катта ўқитувчиси Беҳзод Бозоровга отаси **Мамуржон БОЗОРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6